

Итоб



10:19 / 19.01.2022 2856

Нуриддин Маҳмуд Занги фақирлар ва мискинларга, хоссатан, илм толибларига кўп инфоқ қилаётгани, уларни кўпроқ дуосини олишга интилаётганини кўрган яқинлари уни бу ҳақда итобга тутдилар. Шунда у жавоб бериб: «Аллоҳга қасамки, ғалаба уларнинг сабабидан келади, дея умид қиламан.

Менинг қўл остимда уришаётган қавмнинг қандай қилиб дуоларини кесаман? Мен хотиржам тўшагимда ухлайман, чунки хато кетмайдиган камон ўқини биламанку?!» (У инсонларнинг ихлос ила дуоларини назарда тутмоқда).

Қандай қилиб у кишиларни қўйиб, гоҳ хато қилиб, гоҳ тўғри нишонга отадиган найза ўқлари билан мени кўрмагунча қўл остимда урушга кирмайдиган кишиларга эътибор қилишим мумкин?!

Манба: arabicuz